Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 7 май, чоршанба • № 36 (10.914) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1997 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 750 сўм;

ёшга доир пенсиянинг энг оз миқдори — ойига 1400 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 750 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1997 йилнинг 1 июлидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 июлдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 1400 сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 850 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур фармон қоидаларига асосланиб, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар Республика давлат бюджети ва пенсия фонди ҳисоби билан қопласин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги 1499-сон фармони (9-банди бундан мустасно) 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 май.

Галла мустақиллиги учун

ЗУМРАД ДАЛАЛАР ТАРОВАТИ

Шу кунларда ям-яшил далаларнинг ҳусн-тароватиўзгача. Бўйи белга урган, кўклам шабадасининг эпкинида тўлқинланаётган буғдойзорлар, ҳосилини барги остида «бегона кўзлардан» яширган қулупнайзорлар, саратоннинг илк кунларида тарвузи ранг оладиган полизу, ҳадемай бозор пештахталари кўркига кўрк қўшадиган карам пайкаллари кўрган кўзни қувнатади.

ТОШКЕНТ шаҳридан чиқишингиз билан ана шундай саҳоватли ва серҳосил далаларга назарингиз тушади. Бу ерлар Тошкент туманидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигининг Тўйчи Исмоилов бошлиқ бригадаси экинзорлари.

— 24 гектар майдоннинг 14 гектарида ғалла етиштиряпмиз, — дейди тажрибали деҳқон Тўйчи Исмоилов. — Экин эрта бошоқлаб, гуллаб бошлади. Гектаридан аслида 40 центнерлик ҳосилни мўлжаллагандик, энди режа ўзгариб, 50 центнерни кўзлаяпмиз.

Бригада-пудратчилар жамоаси. Ҳалил Носиров, Аброр Расулов, Музаффар Ҳусанов, Суннат Жўраевлар куч ва имкониятларига қараб ўзларига биркитилган экинларнинг озуқаси, суви, чопиғини оби-тобида ўтказишяпти. Парвариш яхши бўлгани сабабли қулф уриб ўсаётган дон, сабзавот ва полиз эрта ва мўл ҳосилга кирмоқда.

Абдулла ТУРДИЕВ.
СУРАТЛАРДА: 1. Бригада саркори Тўйчи Исмоилов ва пудратчи Мактуба Ҳусанова ғаллазорда. 2. Бўлиқ бошоқлар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ХИФлар СОТИБ ОЛМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДА ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини хусусийлаштириш инвестиция фондлари орқали сотиб олиш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир — шаҳар ва туманларимизда бир нечта шундай фондлар ишлаб турипти. Улар ўз қимматли қоғозларини халқ банклари орқали сотиб, аҳолининг ортиқча пул маблағлари ҳисобига ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини харид қилмоқдалар. Бу билан меҳнаткашлар қўшимча даромад манбаига эга бўлишига ёрдам бермоқдалар. Аҳоли, муайян муддат ўтгач, қимматли қоғозлар эвазига дивидендлар олиш имконига эга бўладилар.

Жорий йилнинг бошидан бери уюштирилган акцияларнинг ким ошди савдоларида хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаол қатнашдилар. Улар вилоятда жойлашган ҳиссадорлик жамиятларининг шундай савдога қўйилган кўпгина акцияларини харид қилдилар. Жами ХИФлар 225 мингтадан ортиқ қимматли қоғозлар эгаси бўлдилар. Улар сотиб олган акциялар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳам бир маромда ишлаётган корхона-ташкилотларга тегишлидир.

Ҳамид СОБИРОВ.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

МАЪЛУМ бир йўналишда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин қилаётган автобусларни айни пайтда ҳайдовчиларга сотиш тартиби жорий қилинмоқда. Бундай транспорт воситаларини хусусий мулк қилиб олган шахслар белгиланган йўналишларда қатнашни давом эттирадилар.

Республика Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланган бу тадбир мамлакатимиз миқёсида биринчи марта Чирчиқ автобус-таксомотор саройида амалга оширилди. Бу корхона жамоаси бир йўналишда қатнаётган саккизта автобусни шу тартибда ишлашга ўтказди. Транспорт воситаларининг янги эгаларига сотишдан корхонага 990 минг сўм тушум тушди. Уларнинг бошланғич қиймати 720 минг сўм қилиб белгиланган эди. Ким ошди савдосига қўйилгани учун ҳам сотилиш нархи деярли 200 минг сўм ошиқ бўлди.

Собир ҲАМИДОВ.

«ПАХТАОЙ» ЙИЙИНЧОҚЛАРГА БОЙ

ОЧИҚ турдаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш акционерлик жамиятига қарашли болалар боғчасини мазкур корхона маъмурияти ҳар йили турли йўйинчоқлар билан таъминлаб туради. Айни пайтда болажонларни туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси касаба уюшмаси ҳам тез-тез йўқлаб туради.

Яқинда болалар боғчасида ўтказилган Наврўз айёмида уюшма раиси Альбина Бекназарова тарбия масканининг «Лола», «Ғунча», «Бойчечак» гуруҳларига совға сифатида 15 минг сўмлик йўйинчоқлар, дафтар, қаламлар топширди.

Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

МУСТАҚИЛЛИК — ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

Ўзбекистон ва Италия Президентларининг матбуот конференциясидан кейинги ўйлар

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг машҳур «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...» деган каломида оламшумул маъно, тўғрироғи, теран ҳаёт ҳақиқати бор. Зотан, инсоннинг бутун умри синов ва имтиҳонлардан иборатдир. Бизнинг умримиз мазмуни ўлчанадиган мезон ана шу ҳаёт погоналаридан нечоғли шараф билан ўтишимиздадир.

Бироз тасаввурга эрк берадиган бўлсак, жамият, давлат ҳаётини ҳам инсоннинг умр йўлига қиёслаш мумкин. Зеро, Ватан, халқ ҳаёти шу замин фуқаролари туриш-турмушининг жамулжамидир. Шу маънода, ёш мустақил давлатимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, буюк келажак сари дадил одимламоқда. Лекин бу йўл, қарвон бехатар бўлмас деганларидек, текис ва равон эмас. Бинобарин, у сарбондан тийрак нигоҳ, зийракликни талаб этади. Зотан, юртбошимиз бутун фаолияти давомида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ана шу тийраклик ва зийракликни намоён этиб келаётир...

Италия Президенти Оскар Скальфаронинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган матбуот конференциясини кузатар эканман, ҳаёлимдан ана шу туйғулар кечди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий давлатчилик қайта тикланди. Иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишга, жамиятни демократиялаштиришга киришилди. Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз тутди.

Буни АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Бельгия, Франция каби дунёнинг мутараққий мамлакатлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларимиз, уларнинг дастлабки натижалари яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, энг оғир йилларда ҳам ҳеч кимга садақа сўраб қўл чўзмаганимиз, давлатимиз раҳбари сиймосида бир қанча тинчлик ташаббуслари билан чиққанимиз, хорижий давлатлар билан ижобий савдо қолдиғига эга бўлиб келаётганимиз, шаҳару қишлоқларимиз, айниқса пойтахтимиз Тошкент қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгараётгани юртимиз нуфузига нуфуз қўшади.

Буларни Италия президенти О. Скальфаро ҳам эътироф этди. Унга ислоҳотлар йўлида халқимиз кўрсатаётган қатъият, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни қатъиян таъқиқлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд, деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш борасидаги Ислом Каримов таклифлари айниқса мақбул бўлди. — Биз бу йўлда Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — деб таъкидлади Италия Президенти.

Матбуот конференциясида италиялик журналист Президент Ислом Каримовга савол бериб, Ўзбекистон — Россия муносабатлари, шунингдек, Россия — Белоруссия ўртасида тузилган иттифоқ хусусидаги фикрини сўради.

Аввало, Россия билан ҳамкорлик алоқаларимиз тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ривожланмоқда, деди Ислом Каримов. Биз бу — тенг шериклик йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Россия ҳам Ўзбекистонни ўзининг тенг ҳуқуқли, ишончли шериги сифатида билишини истаймиз. Россияда бундай соғлом кучлар кўплиги бизни қувонтиради. Чунки Россия билан иқтисодий, хўжалик алоқат ўртасида улар айтаётган тенглик ҳеч қачон бўлмайди. Мен буни бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтяпман. Белоруссия маълум маънода ўз суверенитетидан воз кечишга мажбур бўлади. Ўзингиз ўйланг, ягона банк бўлса, ягона пул бирлиги жорий этилса ва улар Москвада бўлса қандай қилиб мустақиллик ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Мазкур иттифоқни тузишдан асосий мақсад эса геополитик маконни вужудга келтириш, иложи бўлса, унга ён атрофдаги, бошқа давлатларни ҳам қўшиб, собиқ Иттифоқ ҳудудида ўз таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Биз эса, боя таъкидлаганимдек, барча давлатлар билан тенг шериклик асосидаги муносабатлар тарафдоримиз, деб жавоб қайтарди Ўзбекистон раҳбари.

Бир неча йилдирки, собиқ Иттифоқни қайсидир шаклда тиклаш ҳақидаги фикр гоҳ айрим давлат раҳбарлари, гоҳ «буюк давлат»чилик касалига мубтало бўлган баъзи фирқа «доҳий»лари тилидан эшитилиб турибди. Беихтиёр бунинг сабаби нимада, деган савол туғилади.

Бизнингча, бу шиорни ўртага ташлаётганлар Президентимиз айтганларидек, аввало, ўша «олтин давр»ни эслаб тамшанаётганлардир.

Мазкур шиор айрим мустақил давлатлар раҳбарлари томонидан олға сурилаётганига келсак, мустақиллик бу аввало улкан масъулиятдир, деган ҳақиқат бор. Бунинг маъноси шуки, мустақил бўлдингми, ўз аравангни ўзинг тортишинг — рўзғорингни ўзинг тебратишинг керак. Ана шу — етакчилик масъулиятини, қолаверса, елкасидаги рўзғор ташвишини кўтаролмай қолганлар, таъминотни марказдан «фонд»лар бўйича олиб ўрганганлар вазиятдан чиқиш йўлини собиқ СССРни тиклашда кўраётган бўлсалар, ажаб эмас.

Яна бир тоифа борки, улар мустақиллик туфайли рўй берган ўзгаришлар, демократик «сараланиш»лар натижасида отдан тушса ҳам эгардан тушмаган кимсалардир. Улар, таассуфки, ўз бахтсизликларини халқлари эришган мустақилликда, келажакларини эса — СССРни тиклашда деб билмоқдалар. Булар орасида минтақамиз халқларининг айрим собиқ «валломат»лари ҳам борки, улар Москва кўчаларида изғиб, ўзларига «ҳамфикр»лар изламоқдалар.

Одатда, ҳар қандай ҳаракатнинг мазмун-моҳияти бўлади. Шу маънода собиқ Иттифоқни тиклаш тарафдорларининг пинҳона мақсадлари бизга аён. Лекин улар асл ниятларини «интеграция» деган жозибадор сўз билан ниқобламоқдаларки, бу ҳақда ҳам бироз тўхталишга тўғри келади.

Интеграция — иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, оқилона меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш, бир хил маҳсулотни бир неча мамлакатда ишлаб чиқармаслик, балки ўзаро айирбошлаш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон, қолаверса, мамлакатимизнинг мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи республикалар, хорижий давлатлар билан тузган қўшма корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолияти бунга мисол бўла олади. Демак, интеграцияни чуқурлаштириш учун мустақил давлатларни бир чодир остига бирлаштириш шарт эмас. Уни маърифий йўл билан, ҳеч кимнинг суверенитетига дахл қилмаган ҳолда йўлга қўйиш мумкин. Бунга дунёда мисоллар кўп. Лоақал Европа Иттифоқи фаолиятини эслайлик.

Мухтасар айтадиган бўлсак, ҳар бир ёш мустақил давлатнинг оёққа туриб олиши, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши енгил кечмайди. Лекин, ўтиш даври мураккабликларини қадам-бақадам енгиб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаб, бу майдондан мағрур ва ғолибона чиқиш — ёруғ келажакка эришиш ҳар бир халқ учун ғоят шарафлидир.

Бўлиб ўтган матбуот конференцияси, унда Президент Ислом Каримов жавобларидаги қатъият Ўзбекистон халқининг бу йўлда собитқадамлигини яна бир карра исботлади.

Аҳмад ХЎЖА. (ЎзА).

БИР-БИРИДАН ЯХШИ

ЎЗБЕКИСТОНда мактаб ўқувчилари кинофестивалини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги билан Улуғбек номидаги ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси саъй-ҳаракати билан уюштирилаётган бу хайрли тадбир кўплаб ёш истеъдодлар учун истиқбол йўлини очиб бермоқда.

Яқинда ўз ишини якунлаган олтинчи республика кинофестивалига эса 115 та ижод намунаси тақдим қилинди. Мактаб ўқувчиларидан иборат кинофото ҳаваскорлари ижодий гуруҳлари эркин мавзу бўйича тўрт йўналишда ўз асарларини намойиш қилдилар. Фестивалнинг суратқашлик шуъбаси орқали намойиш қилинган ижодий ишлар ҳам юқори баҳо олди. Чирчиқ шаҳридаги 7-мактабнинг юқори синф ўқувчиси В. Голубев тасвирга туширган туркум суратлар фестивалда биринчи ўрин билан тақдирланди.

Чирчиқдаги саноат техникуми биринчи курс ўқувчиси П. Пак эса слайдда ишлаган асарлари учун биринчи даражали мукофот совриндори бўлди. Шунингдек, Тошкентдаги «Эремурс» клуби аъзолари суратга олган «Тоғлар — бизнинг дўстимиз» фильми ҳам фестивал ҳайъати томонидан ижобий баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ.

Бу сонда:

Доривор гиёҳлар — юрт бойлиги
(2-БЕТ)

ХАЛҚИМ ТИЛАГАНИНГ ЭЗГУ НИЯТ ДИР, ЭЗГУЛИК БЕШИГИ — МАЪНАВИЯТ ДИР
(3-БЕТ)

«Сохта тадбиркорнинг миси чиқди»
(4-БЕТ)

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Мамлакатимизда 1997 йилнинг иккинчи ярми учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Ҳар ким хоҳлаган нашрига ёзилиши мумкин, албатта. Аммо шуни эслатиб ўтмоқчимизки:

— пойтахт Тошкент вилояти, мустақил Ўзбекистонимиз ҳамда дунё ҳаётига оид энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан танишай десангиз:

— иқтисодий ислоҳотларнинг боришидан хабардор бўлай десангиз:

— маънавият, маданият, спорт янгиликлари, табиат ва инсон муаммолари сизни қизиқтирса:

— саломатликни мустаҳкамлаш, пазандаликка доир маслаҳатлар, турфа олам янгиликларини ўқиш истаги бўлса:

— йил охиригача газетани мунтазам олай десангиз

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА

ОБУНА БЎЛИНГ!

Обунани барча алоқа бўлимлари орқали расмийлаштириш мумкин.
Газетамизнинг нашр кўрсаткичи: 64672.

Ҳиссадорлик жамиятларида

ЕР ҚАЪРИДАН «ҚОРА ОЛТИН»

ОДАТДА, кончиларнинг меҳнатини анча қийин дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, ер қаърида, юзлаб метр чуқурликда ястаниб ётган қимматбаҳо табиий бойликни қазиб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Бу касб эгалари иродали, матонатли одамлар. Қуйида Ангрендаги 9-шахта кончилари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Кон салкам ярим асрдан бери халқ хўжалиги хизматида. Деярли 150 метр чуқурликдаги шахтадан ҳар йили юзлаб минг тонна кўмир қазиб чиқарилмоқда. У ишга тушганидан бери мижозларига етказиб берган қора олтин бутун бир тоғни ташкил этади, десак ҳам муболаға бўлмайди. Шу кунларда ҳам конда бўлсангиз шахтёрларнинг фидокорона меҳнатлари устидан чиқасиз. Уларнинг ҳар бири иш суръатини жадаллаштириш, қазиб чиқарилаётган кўмирнинг сифати яхши бўлишини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Лекин, бозор иқтисодиётига ўтишдаги қийинчиликлар кон жамоасининг олдига қатор муаммоларни кўндаланг қўйди. Айниқса, эскириб қолган асбоб-ускуналарни янгилаш мураккаблашди. Лекин жамоа «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритишдан жуда йироқ бўлди. Кончилик механизмларини етказиб берувчи корхоналар аввалги алоқаларини тиклашга интилдилар. Айни вақтда мавжуд асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун зарур бўладиган айрим эҳтиёт қисмларни тайёрлашни ўзлари ўзлаштирдилар. Конларни мустаҳкамлашда қимматбаҳо ёғоч-тахта ўрнига металл конструкциялардан фойдаланиш кенгайди.

Кон маъмурияти шахтёрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлар оқибатида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиши юз берди. Ўз-ўзидан кончилар олаётган иш ҳақи ҳам камайиб кетди. Натижада айрим ишчи-хизматчилар бўшаб кетдилар. Бундан ташқари, пенсияга чиқаётган кекса шахтёрларнинг ўрнини ҳам тўлдириш масаласи юзага келди. Шуни ҳисобга олиб, шахтада махсус курслар ташкил этилди. Уларга жалб қилинган ўнлаб ёшлар касб-ҳунар ўргандилар. Биргина шу йилнинг ўзида 25 чилангар 25 кўмир қазиб чиқарадиган жойларни тозаловчи кон ишчилари, 25 электриклар, 16 кўтарма кран машинистлари ва бошқа қатор мутахассислар курсларни тугатиб кончилар сафига қўшилдилар.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлангач ҳамда кўрилган шундай ташкилий-техник тадбирлар туфайли ишлаб чиқаришда юксалиш сари одим ташланди. Бу йил жамоа ками билан 400 минг тонна кўмир қазиб чиқаришни режалаштирган. Бу режа муваффақиятли адо этилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагидаги меҳнат натижалари шундан далолат бериб турибди. Ўтган йилнинг биринчи чорагида режа бажарилмай қолган эди. Деярли 10 минг тонна ёқилғи мижозларга етказиб берилмади. Бу йил эса белгиланган марра муваффақиятли эгалланди. Ҳаммаси бўлиб қазиб чиқарилган кўмир ҳажми 98,6 минг тоннани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 минг тонна, режасидагидан салкам 3 минг тонна кўпдир. Ҳозир бир кеча-кундузда 1 минг 300 тонна кўмир қазиб олиняпти.

Шахтада турли миллатга мансуб бўлган 1200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишаяпти. Уларнинг аксарият кўпчилигини ер остида ишловчи, бевосита кўмир қазиб чиқарувчи кишилар ташкил этади. Кончилар меҳнатларига яраша моддий манфаат кўрмоқдалар. Ўртача иш ҳақлари 8,5 минг сўм атрофида бўлаяпти. Бундан ташқари, олинган фойдадан устамалар, мукофотлар тўланмоқда. Бу йилги Наврўз байрамида ҳар бир кончига 500 сўмдан пул тарқатилди. 8 март куни эса ҳар бир хотин-қиз 1000 сўмлик совға билан тақдирланди.

Конда иш вақтидан ва мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш бўйича меҳнат беллашуви ташкил этилди. У вақти-вақти билан якунланиб турилади, ғолиблар аниқланиб, улар моддий рағбатлантириладилар. Кейинги ойларда Турсунбой Шералиев, Йўлдош Fозиев, Сайдулло Дадабоев раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг меҳнат кўрсаткичлари юксак бўлмоқда. Улар ҳар сменада топшириқдаги 100 тонна ўрнига, 110—115 тоннадан кўмир қазиб чиқармоқдалар. Конда касб байрамини ва Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат кўтаринкилиги авж олиб кетди. Шахтёрлар бу тарихий саналарни муносиб тортиқлар билан кутиб олишларига шубҳа йўқ. Уларнинг шу кунлардаги фидокорона меҳнатлари шундан далолат беради.

Собир ҲАМИДОВ. Суратларда: конда 41 йилдан бери ишлаб келаётган мураббий кончи Оғамет Жонмагамедов (юқорида); илғор шахтёрлар Йўлдош Fозиев, Тоҳир Усмонов ва Турғунбой Шералиевлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

ҲАР БИРИ КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ

• Доривор ўсимликлар бебаҳо бойлик, уларни асраб-авайлайлик • Шифобахш гиёҳларни маданий равишда ўстиришни кенгайтирайлик • Ягона марказ керак

ГЎЗАЛ табиатимизнинг саҳовати меваларидан бири бўлмиш ўсимликлар дунёси инсоният, қолаверса, барча жониворлар ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Инсон учун жуда зарур бўлган моддий неъматлар, жумладан, гўшт, сут, нон ва шунга ўхшаш бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам наботот оламининг эҳсонлари ҳисобланади.

Ҳозирги тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40 фоиздан ошиғини ўсимлик маҳсулотлари ташкил этади. Улар кимёвий, сунъий равишда ишлаб чиқариладиган дориларга нисбатан катта афзалликларга эгадир. Зеро, табиат эҳсони бўлган ўсимликлардан таркиб топган дорилар деярли асоратсиздир.

Табобот илмининг султони Абу Али ибн Сино замонида касалларни гиёҳлардан тайёрланган дорилар билан даволаш кенг йўлга қўйилган эди. Қомусчи олимимизнинг асарларида юзлаб доривор ўтлар, ўсимлик мевалари, барглари ва илдизларнинг шифобахшлиги баён этилган. Шундай экан, доривор ўсимликларни асраб-авайлаб, мавжудларидан оқилона ва унумли фойдаланиш қатори уларнинг янги плантацияларини вужудга келтириш ва шу йўл билан шифобахш ўсимликларни кўпайтиришга эришиш лозим.

Мамлакатимизнинг ўсимликлар дунёси жуда бой. Республикамизда 4230 дан ортиқ турдаги ўсимлик ўсади. Уларнинг салкам 600 таси шифобахш хусусиятга эга. Бугунги кунда руҳий касалликларни даволашда шундай ўсимликларнинг 18 туридан фойдаланиляпти. 7 хил ўсимликдан тайёрланган дорилар саратон касаллигига қарши курашда ишлатилмоқда. Кенг тарқалган қанд касаллигига қарши курашда нафи тегаётган ўсимликлар хили йигирматадан ҳам ошиб кетди. Биргина атеросклерозни даволашда уларнинг 25 хилидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ошқозон, қон босими касалликлари ва бошқа шу каби касалликларни даволашда 10 хилдан тортиб 25 хилгача бўлган ўсимликлардан олинган дорилар ишлатилмоқда.

Лекин, афсуски, катта бойлик ҳисобланган шифобахш гиёҳларимиз йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Ўсимликлар, шу жумладан, доривор ўсимликларни асраш ва табиий шароитда ўстиришни кенгайтириш, уларнинг йўқолиб кетмаслигига эришиш учун ўсимликларнинг жуда кўп хилларини «Ўзбекистоннинг Қизил Китоби»га киритиш муҳимдир. Маълумки, бу китобга киритилган ўсимликлар қонун асосида қаттиқ муҳофаза қилинади. Уларни ўзбошимчалик билан узиш, шахсий бойлик орттириш мақсадида хом ашё сифатида тайёрлаш тақиқланади.

Ҳозирги вақтда «Қизил китобда» 400 дан ортиқ ўсимлик номлари қайд қилинган. Ана шулардан 163 таси йўқ бўлиб кетиш арафасида. Бу ниҳоятда катта ташвиш туғдирмоқда. Бунинг ҳаммаси республикамизнинг наботот оламига адолатсизларча муносабатда бўлинаётганлиги оқибатида юзага келмоқда. Агар муносабат шу зайлда давом этадиган бўлса, келгуси авлодларга табиатимизда ўсаётган шифобахш ноёб ўсимликларнинг етиб бориши амри маҳолдир.

Ўзбекистонимизда Флора фанини ривожлантириш, уни бойитиш учун фойдали ўсимликларни тадқиқ қилиш ва муҳофаза этишни кучайтириш лозим. Уларнинг фойдали турларини қидириш ва янгиларини аниқлашни кенг кўламда давом эттириш зарур. Шу билан бирга фойдали турлари ўсаётган ерлар хариталарини тузиб, уларнинг табиатдаги заҳираларини аниқлаш, биологиясини ўрганиш, уларни маданийлаштириш муаммосини ҳал қилиш даркор.

Табиат ва инсон

Ҳозирги вақтда фойдали ўсимликларни тайёрлаш билан бир қанча ташкилотлар шуғулланмоқда. Бунинг устига яна ширкатлар ташкил этиляпти. Улар ҳам шифобахш ўсимликларни тайёрламоқдалар. Лекин, бу айни вақтда, ўзбошимчаликка ва хўжасизликка олиб келмоқда. Чунки, бундай ташкилотларнинг ҳаммаси биринчи навбатда ўзларининг манфаатларини ҳисобга олмоқдалар. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Шифобахш ўсимликларни тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларини бошқарадиган ягона марказлашган хўжаликни ташкил этиш вақти келди.

Республикамизнинг ҳар бир вилоятида шифобахш ўсимликларни етиштириш, уларни фармацевтика саноатига етказиб беришга ихтисослашган ва хўжалик ҳисобида ишлайдиган хўжаликлар барпо этиш керак. Доривор ўсимликлар ўсадиган қир-адирлар ва чўл минтақаларидаги ерларни чегаралаш, уларни қўриқхоналарга айлантириш лозим. Айни вақтда тоғ этакларидаги бўш ётган майдонларни бундай ўсимликлар етиштириш учун ажратиш керак. Шундай қилинса, йўқолиб бораётган ноёб доривор ўсимликларнинг кўп турларини асраб қолиш ва кўпайтириш имкони туғилар эди.

Республикамизда ўсимликлар оламини муҳофаза этадиган ва улардан фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатадиган ягона марказ барпо этилиши жуда зарур бўлиб қолди. Чунки, ҳозирги вақтда республикамизда табиий ҳолда ўсаётган турли ўсимликларни йиғиш, тайёрлаш ишлари устидан фақат биргина ботаника илмий-тадқиқот институти назорат олиб бормоқда. У, албатта, бу ишнинг тўла уддасидан чиқа олмайди.

Ўсимликлар дунёси ҳақида гап борганда, албатта, ўрмонларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Ўрмонларда ўсаётган турли хил мевали ва манзарали дарахтлардан ўтин, қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш камаймаяпти. Қишлоқларимизнинг газ ёки кўмир билан етарли таъминланмаслиги шунга олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам ёввойи олма, қайин, ёввойи ток, дўлана, бодом, писта, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар борган сари камайиб кетяпти. Яйловлардан фойдаланишда ҳам амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этилмаяпти. Аввало, бу иш илмий асосда йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаш лозим. Ҳатто, айрим қўриқхоналар ва ўрмон хўжаликларида ўзаро келишув асосида мол боқиш ҳоллари учраб турипти. Натижада шифобахш ўсимликларнинг кўплаб турлари қилинмоқда.

Умуман, республикамизда шифобахш гиёҳларни ўрганиш ва улардан дори-дармонлар тайёрлашнинг ҳозирги вақтда таркиб топган ҳолатини қониқарли деб бўлмайди. Бу соҳада биз жуда кўп иш қилишимиз, катта тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур. Масалан, Хитой, Вьетнам, Корея, Мўғулистон ва бошқа Осиё мамлакатларида халқ табобатида қўлланиладиган доривор ўсимликларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланувчи алоҳида илмий-текшириш институтлари ишлаб турипти. Улар ўзларининг ишлаб чиқариш масканларига эга. Фойдали ўсимликларни экадиган ҳудудлари бор. Ташкил этилган лабораторияларда илмий-тадқиқот ишлари, изланишлар олиб борилади. Ҳатто, ўзларининг фармацевтика саноатига ҳам эгалар. Қисқаси, бундай институтлар шифобахш ўсимликларни етиштириш, териш, тақшириш ва улардан турли дори-дармонлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар мажмуасини амалга оширадилар. Бизнинг республикамизда ҳам шундай илмий-тадқиқот марказларини барпо этиш зарур бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда республикамиз Президентининг мамлакат аҳолисининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан шуғулланадиган давлат акционерлик концернини ташкил этиш ҳақидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 14 августидаги «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Бу фармон ва қарорни тўлиқ амалга ошириш республикамизда тиббиёт фанини ривожлантириш қатори унинг шифобахш ўсимликлар дунёсидан оқилона фойдаланишни тубдан яхшилашга олиб келиши шубҳасиздир.

Сапар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

ХИЗМАТГА ҚИММАТ ҚИЛИНГ

• Газ табиатнинг нодир инъоми • Ундан тежаб-тергаб фойдаланайлик, исроф бўлишига йўл қўймайлик • «Зангори олов» ҳақини вақтида тўланг • «Тошвилоятгаз» мижозлари орасида қарздорларнинг кўпайиши уни оғир иқтисодий аҳволга солиб қўймоқда • Маблағ етишмаслиги газ тармоқларини кенгайтириш, хонадонларни газлаштириш бўйича режаларнинг тўлатўкис амалга оширилишида қийинчиликлар туғдирмоқда

Республикамиз мустақилликка эришгач, халқ хўжалигининг барча тармоқларини, айниқса, хонадонларни «зангори олов» билан таъминлаш ишлари ҳажми беқиёс кенгайиб кетди. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг қишлоқларни газ ва ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони бу ишда катта силжишга сабаб бўлди.

Биргина ўтган йили газ таъминотини яхшилашда муайян ютуқларга эришилди. Йил давомида деярли 7,5 минг хонадон газлаштирилди. Янги қурилган газ тармоқларининг узунлиги салкам 500 километрни ташкил этди. Бундан ташқари, 241 та газ тақсимлаш нуқталари қурилди. Шундай қилиб, бугунги кунда вилоятимиздаги юқори, ўрта ва паст босимли газ қувурларининг умумий узунлиги 7939,9 километрга етди. 43 мингдан ортиқ хонадон «зангори олов»дан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, 6700 тадан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, 393 та саноат корхоналари ҳам ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қулай ва арзон шу ёқилғидан фойдаланмоқдалар. Бир йилда ишлатилган газ ҳажми эса 8,2 миллиард куб метрни ташкил этди.

Бу рақамлар вилоятимизнинг газ хўжалиги жуда катта эканлигини кўрсатиб турипти. Уларнинг доим соз ҳолда туришига эришиш, тўхтовсиз ишлашини таъминлаш, газ таъминотида узилишларнинг олдини олиш каби мураккаб масалалар бошқармамиз жамоасининг бор куч-ғайратини ва салоҳиятини сарфлаб ишлашини тақозо этмоқда. 2 минг кишилик жамоамиз зиммасидаги шу вазифани шараф билан уддалаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Газ — бебаҳо бойлик. Ундан самарали фойдаланиш, беҳуда исроф бўлиши олдини олишга эришиш лозим. Лекин, сўнгги вақтларда ўтказилган текширишлар, айниқса, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва хонадонларда бу соҳадаги катта-катта камчиликларни кўрсатди. Бошқармамиз ва унга қарашли газ хўжаликлари мутахассислари иштирокида ўтказилган бу тадбир газни истеъмол қилувчилар орасида ундан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмайдиган, газни ортиқча сарфлашга йўл қўяётган, ўзбошимчалик билан газ ускуналарини ўрнатиб олаётганлар ҳам борлигини кўрсатди.

Айрим фуқаролар амалдаги тартиб ва қоидаларга риоя қилиш у ёқда турсин, ҳатто газдан ўғринча фойдаланишдан ҳам қайтмаяптилар. Текшириш натижасида шундай ҳолатлар анчагина аниқланди. Масалан, Тошкент туманидаги Рамазон кўчаси 45-уйда истиқомат қилувчи Анвар Ҳамидов ҳеч қандай рухсат олмасдан ортиқча газ ёқиш нуқтаси барпо этган ҳамда иссиқхонага газни улаб олган. Шу кўчада яшовчи Султонмурод Солиҳов эса ҳаммомга газ улаб олиб, уни расмийлаштиришни «эсдан» чиқарган. Келесбоев кўчасида истиқомат қилувчи М. Мирзабеков эса 1996 йилдан буён газ пулини тўламаяпти. Бундай мисолларни вилоятнинг бошқа туманларидан ҳам келтириш мумкин. Жумладан, Юқоричирчиқ, Зангиота туманларида ҳам шундай номаъқулчиликларга дуч келинди. Юқоричирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳасанбоев, Бергумбоев, Далаев каби фуқаролар ҳеч қандай рухсат олмасдан уйдаги иситиш тармоқларини газ қувурларига улаб олганлар. Бунинг устига улар ёқилғи ҳақини тўламасдан юрганлар. Зангиота туманидаги 38 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари текширилганда уларнинг 8 тасида газдан фойдаланиш ҳужжатлари умуман расмийлаштирилмаганлиги маълум бўлди.

Охирги пайтларда газдан фойдаланувчи айрим корхоналар ҳам унинг ҳақини вақтида тўламайдиган бўлиб қолишяпти. Ачинарлиси шундаки, бундай боқимандалик кайфиятдагилар сони камайиш ўрнига кўпайиб бораётир.

Ҳозирги кунга келиб қарзларнинг жами ҳажми 7,5 миллиард сўмга етди. Айниқса, Тошкент, Ангрен, Янги Ангрен давлат иссиқлик электр станциялари, бинокорлик материаллари саноати корхоналари, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ва бошқа ўнлаб корхоналар ҳам биздан кўп миқдорда қарз бўлиб қолишган. Унинг миқдори кўпайса кўпаймоқдаки, лекин камаймаяпти. Чунки, биз ишлаб чиқариш жарёнлари узлуксиз давом этадиган, халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бундай корхоналарни газдан маҳрум қилишимиз мумкин эмас. Уларни «зангори олов» билан таъминлаш бўйича тузилган шартномаларни бекаму-кўст бажармоқдамиз, лекин газ ва хизматимиз ҳақи ўз вақтида тўланмаяпти.

Биздан қарздор бўлган аҳоли сони ҳам кўпайиб бораяпти. Улар орасида ҳатто йиллаб ва бир неча йиллаб ҳақ тўламаганлари ҳам топилади. Жорий йилнинг 1 мартига келиб аҳоли қарзи 151,5 миллион сўмни ташкил этди. Айрим туманларда у катта миқдорга етган. Масалан, биргина Зангиота туманида хонадонлар газнинг 21,5 миллион сўмлик ҳақини вақтида тўламаганлар. Муддати ўтиб кетган бундай газ ҳақи «Чинозгаз» идораси бўйича 13 миллион сўмдан ҳам ортиб кетди. «Ғазалкентгаз» идорасида10 миллион 677 минг сўмга етди. «Янгийўлгаз»да эса 18 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Бошқа айрим шаҳарлар ва туманлар аҳолиси ҳам газ ҳақини ўз вақтида тўламасдан анчагина миқдорда қарздор бўлиб қолдилар.

Газдан фойдаланганлик учун ҳақни вақтида тўламаганларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилиши мумкин. Жумладан, рўзғорда электр ва иссиқлик энергиясидан ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ёки бундай манбаларни ўзбошимчалик билан улаб олиш энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади.

Совуқ кунлар ҳам орқада қолди. Қишда иссиқлик қозонхоналарининг ёмон ишлаши натижасида, айниқса, кўп қаватли бинолларда истиқомат қилувчи фуқаролар хонадонини иситиш учун газ плиталаридан кўп фойдаландилар. Бунинг натижасида газ сарфи икки баравар ортиб кетди. Бундан ташқари, кўпгина хонадонларда гугуртни тежаш илинжида газ кампаракларини туну-кун давомида узлуксиз ёқиб қўйиш одат бўлиб қолган.

Бундай ўзбошимчалик биринчидан, ёнғин чиқиш хавфини вужудга келтирса, иккинчидан газнинг исроф бўлишига олиб келаяпти. Аниқ ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, агар юз хонадон битта кампаракни туну-кун паст ёқиб қўйса у соатига 30 куб метр ҳажмда исроф бўлар экан. Демак, бу бир кеча-кундузда 720 куб метрни ташкил этади. Агар минглаб хонадонлар шундай қилишса кўриладиган зарар қанчалик катта бўлишини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Айни вақтда бир жойда газнинг ортиқча исроф қилиниши иккинчи жойда уни истеъмолчиларга етказиб беришда узилишларга, етишмовчиликларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақли равишда аҳолининг норозилигига сабаб бўлади. Бундай камчиликларни фақат биз ўз кучимиз билан бартараф эта олмаймиз. Бу ишда кенг жамоатчилик, жумладан шаҳар ва қишлоқ фуқаролари йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам қатнашишлари лозим.

Ҳамма жойда газдан фойдаланишнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилиниши, ҳақини ўз вақтида тўлашни унутмаслик лозим. Чунки газ таъминотининг бир маромда давом этиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Газ учун тўланган ҳақ асосан уни ер қаъридан қазиб олиб, саноат корхоналари, фуқаролар хонадонларига етказиб бериш йўлида жонбозлик кўрсатаётган ишчи хизматчилар маошини ўз вақтида тўлаш, газ саноати корхоналари ва «зангори олов» узатиш тармоқларининг доим соз ҳолда сақланиши, бир маромда ишлаши учун зарурдир.

Бахтиёр РАҲИМОВ, «Тошвилоятгаз» бошқармасининг бош муҳандиси.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ МАЛАКА

МАКТАБ таълимини давр талаблари даражасида олиб бориш йўлида халқ таълими бўлимлари тадбиркорлик билан иш юритишлари лозим.

— Масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, биз яқинда махсус курс машғулотларини ташкил этдик, — дейди Тошкент вилоят педагогик кадрлар малакасини ошириш институти ректори Ф. Маликова, — унинг машғулотларига вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари мудирлари таклиф қилинди.

«Бошқарув санъатининг таҳлилий ташхиси асослари» мавзуидаги махсус курс машғулотлари суҳбат, амалий ишлар, психотренинг, «Думалоқ стол» давра суҳбати усулида олиб борилди.»Мактаб таълими ислоҳотлари самарадорлиги», «Мактаблар фаолиятини текширишнинг таҳлилий-ташхисий асослари», «Ахборот ва ҳисоблаш техникаси асослари», «Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва ижодкорлиги даражаси» деб номланган машғулотлар, айниқса, қизиқарли ўтмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Ҳамшира—97

ЧАҚҚОНДАН ЧАҚҚОН ЎЗАР

БЎКА тумани маданият саройида илгари кўп кўрик-танловлар ўтган. Бу сафаргиси ҳам одамлар билан гавжум бўлди. Бу бежиз эмасди. Ҳозирги шароитларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни даволаш муассасалари ходимлари, хусусан, ҳамширалар қай даражада уддалаяптилар? Уларнинг беморларга муносабатлари қандай? Ўз ишлари юзасидан малакаларини ошириб боряптиларми? Улар бўш вақтларида нималар билан шуғулланишади? Оилада, жамиятда ҳамшираларнинг тутган ўрни? Тарихга, бадиий адабиётга қизиқишлари борми?

Ана шу каби қатор йўналишларда бу саройга тўпланган 26 нафар ҳамширанинг билим ҳамда савияси кўрикдан ўтди. Танловда ҳакамлар ҳайъати барча ҳамшираларнинг чақконлиги, ҳозиржавобликларини алоҳида қайд қилдилар. Айни пайтда кўрикда Бўка тумани марказий шифохонасининг ҳамшираси Дилфуза Худойназарова биринчи, вилоят касалхонаси ҳамшираси Наргиза Эргашева иккинчи, Янгиобод шаҳар шифохонаси ҳамшираси Дилбар Fуломова ҳамда вилоят марказий шифохонаси ҳамшираси Нилуфар Тиллаевалар учинчи ўринларни эгаллаб, турли совринлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танловда бадиий қисм шарти бўйича Оққўрғон тумани марказий касалхонаси ҳамшираси Дилдора Жўраева, Бўстонлиқ тумани вакили — Гулнора Эргашевалар томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, йўналиш ғолиблари деб ҳисобландилар.

Танловда вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова иштирок этди.

Даврон АҲМЕДОВ. СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

ХАЛҚИМ ТИЛАГАНИНГ ЭЗГУ НИЯТДИР, ЭЗГУЛИК БЕШИГИ — МАЪНАВИЯТДИР

АВВАЛ хабар қилганимиздек, Юқоричирчиқ туманининг «Ийк ота» жамоа хўжалигида вилоят касаба уюшмалари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳаётда маънавий билим талаб қилинмайдиган бирон бир соҳанинг ўзи йўқ. Аммо, бу масала билан ҳар бир тизим ўз-ўзича шуғулланадиган бўлса, мавжуд муаммо ва камчиликларга ўз доирасидагина ечим излайдиган бўлса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Ана шу маънода фаолларнинг, яъни вилоятдаги турли соҳа раҳбарлари ва мутасаддиларининг бир ният атрофида тўпланиб, муаммоларга биргаликда жавоб излаганликларининг ўзи мавжуд аҳволни яхшилашга туртки бўлади, десак хато бўлмас. Анжуманда маъруза қилган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова аҳволни атрофлича таҳлил қилди. Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда маданият ва маънавият соҳасидаги ишлар қувонарли даражада эмас. Ҳаракат бор, аммо, натижа унчалик кўринмаяпти. Нега?

— Ўзбек халқи маънавий-маданий-маърифий қадриятларининг илдизлари ғоят теран ва қадимийдир. Кейинги йилларда бу ҳақда кўп фахрланиб гапирилмоқда. Эндиликда эса фахр туйғуларидан амалий ишга ўтиш вақти келди. Биз тезроқ аждодларимизнинг ибратли ва фойдали меросларини, анъаналари, удумларини тиклашимиз, ўрганишимиз, улардан мустақил республикамизнинг ёрқин келажагини яратиш йўлида фойдаланишимиз даркор. Аммо... Айни мана шу пайтда халқимизнинг маданий ва маънавий баркамоллиги учун сув ва ҳаводай зарур бўлган маърифат, маданият масканларимиз фаолияти тобора ночорлашиб бормоқда. Жойлардаги раҳбарлар ўтиш даврининг иқтисодий ва молиявий қийинчиликларини рўкач қилиб, бу соҳага жуда кам эътибор қаратаяптилар. Натижада энг оммавий бўлган маданият уйлари ва саройлар, клуб ва кутубхоналар тармоғи муттасил қисқариб бормоқда. 1991 йил билан солиштирганда вилоятимизда клублар 98 тага, кутубхоналар 86 тага қисқариб кетди. Бу тармоқда ишловчилар сони ҳам шунга муносиб равишда камайди. Хўш, бу аҳвол билан биз қандай қилиб юксак маънавиятни қарор топтирамиз? Бу кетишда фарзандларимизнинг маънавий келажаги қандай бўлади? Ана шу каби умумий ташвиш, ватан истиқболи олдидаги масъулият бизни бугунги кенгашга тўплади. Биз барча саволларга биргаликда жавоб излашимиз, ишни чинакамига ўнглаб олишимиз керак. Аслида мамлакатимиз раҳбариятининг маънавият ва маърифат масалаларига эътиборни кучайтираётганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Маърузачи вилоятда маънавият ва маърифатни ривожлантириш йўлида қилинаётган бошқа ишлар хусусида ҳам тўхталди.

— Бизда янги ижтимоий-иқтисодий шароитда маданий-маърифий ишларни ташкил этишнинг дастлабки тажрибалари бор, — деди у. — Давлат идоралари, маданият муассасалари, касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши ва тармоқ қўмиталари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ва ҳайрия ташкилотлари жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ асосий самара ана шу идора ва ташкилотларнинг бутун куч-ғайратлари, салоҳият ва имкониятларини бирлаштиргандагина юзага чиқади. қолаверса, мавжуд маданият муассасалари қайси ташкилотга қарашидан, кимнинг мулки бўлишидан қатъий назар, улар аҳолининг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш учун, юксак маданиятли инсонларни камол топтиришга хизмат қилиш учун ташкил этилганини унутмаслик даркор. Қандай бўлмасин, биз мавжуд имкониятларни, яхлит бир тизимни сақлаб қолишимиз, мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз керак.

...Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакат келажагига тўсиқ бўладиган нуқсонларни, камчиликларни кўрмаслик, муаммоларга ечим изламаслик нафақат давлатни, балки бутун бир миллат истиқболини хавфга қўйиш билан баробар. Бу эса вилоятдаги ҳар бир соҳа мутасаддиларини айниқса, жойлардаги биринчи раҳбарларни маънавият ва маърифат масаласида куюнчак бўлишларини талаб этади. Ваҳоланки, вилоятимизда бу масалага панжа орасидан қараётган раҳбарлар йўқ эмас. Анжуман минбаридан туриб айтилдики, айрим раҳбарлар ҳанузгача «бугун иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш муҳимроқ, бинолар эса хусусий мулкимиз, улардан қандай фойдаланишни ўзимиз биламиз» қабилида бир қанча маданият муассасалари биноларини хўжалик эҳтиёжлари учун олиб қўймоқдалар. Хусусан, Оққўрғон туманидаги «Озод» жамоа хўжалиги клубида ҳозир биолаборатория ўрнашган. Янгийўл туманидаги «Тинчлик», Ниёзов номли, Турсунқулов номли, «Ниёзбош», Мирзабобоев номли жамоа хўжаликларидаги маданият уйларини хўжалик бошқаруви «забт этган». Бўстонлиқ туманидаги «Сойлиқ», «Қизил Ту» жамоа хўжаликлари клублари эса... гилам тўқиш цехларига айлантирилган. Бекобод туманидаги болалар кутубхонаси биноси ҳозир туман меҳнат биржасига хизмат қилмоқда. Юқоричирчиқ туманидаги болалар мусиқа мактаби биноси эса туман солиқ нозирлигига бериб юборилган. Энди савол туғилади: биз юксак маънавиятли, маданиятли, илм ва санъатни тушунадиган кишиларни қаерда ва қандай тарбиялаймиз? Ваҳоланки, маънавияти саёз кимсадан яхши тадбиркор ҳам, яхши раҳбар ҳам, ҳатто, малакали ва виждонли ишчи ҳам чиқмайди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мавжуд муаммоларни ҳал этиш, дастлабки қадамларни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

— Бизга, худди ҳозирги пайтда, вилоят миқёсида барча идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий соҳадаги ишлари самарадорлигини ошириш учун ягона мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишни таклиф қиламан, — деди музокарада қатнашган «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Н. Насимов. — Ана шунда бирбиримиздан узилган ҳолда иш кўрмаймиз. Муаммоларга биргаликда чора излаганга нима етсин?! Бизнинг «Нуроний» жамғармамиз эса бу борада ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр.

— Юксак маънавиятни қарор топтириш учун, аввало, оммавий ахборот воситаларидаги камчиликларни тугатишимиз лозим, — деди вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими бошлиғи Р. Шералиев. — Ваҳоланки, биздаги деярли барча маҳаллий телевидениелар тижорат йўлига ўтиб олишган. Пуллик реклама ва видеокассеталардаги «ур-сур» кинолар... Ахир, маҳаллий телекўрсатувлар бунинг учун ташкил этилмаган-ку. Бундай мақсадсиз дастурларни кўрган кишилардан эртага нимани талаб қилиш мумкин? Менимча, вилоятда ягона телекўрсатув таҳририятини вужудга келтириш пайти келди...

Фаолларнинг мазкур анжуманида яна кўплаб шундай долзарб, муаммолар ечимига йўл изловчи фикр-мулоҳазалар айтилди. Энг муҳими, анжуман иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан бир қарорга келдилар. Галдаги вазифаларнинг дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Энди навбат ишга...

Халқаро ҳаёт

БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ

Буюк Британияда ўтказилган парламент сайловларида лейбористлар партияси ғалаба қозониб, 18 йил давомида ҳокимият тепасида турган консерваторларни мағлубиятга учратди. Лейбористларнинг 43 ёшли раҳбари Энтони Блэр Буюк Британия тарихида энг ёш бош вазир бўлиб қолди. Парламентнинг умум палатасида лейбористлар 659 ўриндан 419 тасини эгалладилар. Консерваторлар эса 160 тагина овоз олдилар.

Жон Мейжор ўрнига бош вазир лавозимига ўтирган Энтони Блэр ҳукуматнинг янги аъзоларини эълон қила бошлади. Жумладан, Робин Кук ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллайдиган бўлди. Мамлакат ташқи сиёсатида кескин ўзгаришлар қилинмайди. Аввало НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши борасида Буюк Британиянинг аввалги мавқеи сақланиб қолади. Бироқ Оврупо Иттифоқи доирасидаги интеграциялашув жараёнига янги ҳукумат янги омил бағишлайди, деб кутилмоқда.

Янги бош вазир Эдинбурглик ўзига тўқ оиладан. Отаси даҳрий бўлса ҳам Тони (бош вазирни ёшликдаги исми билан шундай атайдилар) ҳар якшанба черковга боришни тарк қилмайди. У Оксфорд доирилфунунини тамомлаган. Бир вақт рок гуруҳида ашулачи бўлган, ҳатто Париждаги қаҳвахоналардан бирида қисқа муддат официантлик ҳам қилган. Э. Блэр 1994 йилдан буён лейбористлар партиясига раҳбар эди.

МИСРДА ҚУМ БЎРОНИ

Ўтган жумада Миср пойтахти ва унинг атрофлари кучли қум бўронига дучор бўлди. Куппа-кундуз куни шаҳар зимистонга айланиб, уйлар ва кўчаларда чироқларни ёқишга тўғри келди. Соатига 110 километр тезлик билан эсган шамол дарахтларни синдириб, симёғочларни ағдарди. Қоҳира тайёргоҳи ёпиб қўйилди. Сувайш каналида қатновчи кемалар тўхтаб қолди, баъзи жойларда ёнғин бўлди. Метеорологларнинг маълумотига кўра, Мисрда 40 йилдан ортиқроқ вақтдан буён бунақанги табиий офат содир бўлмаганди. Қум бўрони туфайли 22 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар жароҳатланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆Париждаги Елисей майдонида тўрт поляк сайёҳи Польша президенти Квасьневскийни тухумлар отиш билан қаршилади. Безориларни полиция қўлга олди. Квасьневский Францияга Польша маданияти кунлари очилиши муносабати билан келган эди.

◆ Японияда яшовчи энг кекса аёл Суэ Утагава вафот этди. У 114 ёшда эди. Энди Суэкику Миянага мамлакатнинг энг кекса фуқароси бўлиб қолди.

◆Вашингтонда АҚШнинг 32-президенти Франклин Рузвельтга ёдгорлик ўрнатилди. Қизил гранит тошдан барпо этилган ёдгорлик тўрт муддатга президентликка сайланган машҳур сиёсатчининг хотирасини 52 йилдан сўнг абадийлаштирадиган бўлди.

◆Нью-Йоркда шохмот бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров «Ай-Би-Эм» фирмасининг энг мукаммал «Дип Блю» компьютери билан олти партиядан иборат матч ўтказмоқда. Биринчи учрашувда ғалаба қозонган жаҳон чемпиони кейинги ўйинни компьютерга бой берди. Ҳисоб ҳозирча — 1:1. 12 майгача давом этадиган бу мусобақа ғолибини 750 минг доллар мукофот кутмоқда.

БИЛИМИМИЗ БИЛАН КУЧЛИМИЗ...

Шермат ЁРМАТОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раисининг муовини

ҲА, билим, эътиқод ва юксак маънавий савия ҳар қандай инсоннинг ишончли таянчидир. Бундай кишини енгиш қийин! Бироқ, у оддий ишчими, раҳбарми, санъаткорми, аввало, ўзида маънавият сезмаса, келажак учун у катта ишлар, катта ўзгаришлар қилолмайди.

Менга энг алам қиладиган жойи, маданият масканлари — кутубхоналар ва клубларни бошқа эҳтиёжлар учун қўшқўллаб бериб қўяётганимиздир. Тўғри, ҳозирги шароитда аҳолини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилиш муҳим масала. Лекин, шуни рўкач қилиб, маданий масканларимиз фаолиятини чеклашимиз яхши эмас. Пул топилади, лекин, йўқотилган манавиятнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди.

Очиғини айтсам, санъат кишиси сифатида кейинги пайтда яратилаётган айрим мусиқалардан кўнглим тўлмаяпти. Телевидение ҳам тижоратга берилиб кетдими, хориж мусиқаларига тақлид қилинган ғалати оҳангларга тез-тез ўрин берадиган бўлиб қолди. Ундаги баъзи мусиқаларни тушуниб ҳам бўлмайди. Биз миллий мусиқамизни йўқотиб қўймаяпмизми?!

Албатта, бу гапларни мен такрорламасам ҳам кўпчилик билади. Бу йўлда ўзгаришлар қилиш учун маълум ҳаракат бор. Ҳамма гап чинакамига, дилдан қилинган саъй ҳаракатда. Қолаверса, маънавият ҳам, маънавиятчилар ҳам жамиятимиз учун катта куч. Бу соҳанинг меҳнати ҳам, масъулияти ҳам салмоқли. Анжуманда таъкидлашганидек, ҳаммамиз шу соҳа атрофида жипслашишимиз зарур.

НУР УСТИГА НУР

Н. ДЕРГАЧ,
«Бекободцемент» комбинати касаба уюшма қўмитасининг раиси

МАЪНАВИЯТ инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъноси, инсон ички дунёсидир. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Шунинг учун ҳам биз, касаба уюшма қўмитаси фаоллари кишиларнинг ички дунёсини бойитишни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол инсонларни тарбиялашни қарз ва фарз деб билдик. Жамоамиз аъзолари билан тарбиявий, маданий-оммавий ишларни мунтазам олиб бормоқдамиз.

Комбинатимизда маданият уйи бор. У 30-йилларда қурилган. Лекин, бино эски, моддий қийинчилик сезсак ҳам маданий-оммавий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўймадик. Бу ерда турли тантаналар, учрашувлар, тадбирлар ўтказиб борилади.

Маданият уйида «Лола» рақс ансамбли дастаси фаолият кўрсатади. Тўғарак аъзолари шаҳарда аллақачон танилганлар. Қандай катта тадбир ўтказилмасин, улар доимо қатнашадилар. Бу тўғарак 8 йил олдин тузилган эди. Қийин шароитларда ҳам тарқалиб кетишмади. Шу тўғарак аъзоси — ўқувчи Севара Мирзаметова «Марҳабо, талантлар!» шаҳар кўригининг ғолибидир. Маданият уйидаги вокал тўгараги жажжи аъзолари «Ўзбекистон — Ватаним» маним» кўриги қатнашчиларидир.

Доирачилар ансамбли 20 кишидан иборат. Бу гуруҳни ҳам нафақат комбинатдагилар, шаҳарликларнинг ҳаммаси яхши танишади. Маданият даргоҳида драма жамоаси ҳам бор. Улар корхона цехларида, мактабларда бўлиб, саҳналаштирилган кичик асарларни қўйиб берадилар.

Корхонада маданият уйи жамоатчилари ёрдамида цехларда байрам тантаналари, учрашувлар, хордиқ соатлари ўтказиб туриш анъанага айланиб қолган. Концерт қўйилади, турли ўйинлар ўтказилади, шеърлар ўқилади, ҳамма рақсга тушади. Бундай тадбирларга, одатда, ишловчиларнинг оила аъзолари ҳам таклиф этилади. Дам олиш соатларида турли шакллардан фойдаланилади. Билимдонлар мусобақаси, латифа айтиш, миллий урф-одатларни тарғиб этиш, рақс тушиш, ашула айтиш бўйича танловлар ўтказилади.

Хуллас, биз маънавий ҳаётдан узилиб қолмадик. Фаоллар йиғилишида Тошкент вилояти касаба уюшмалари ва Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида маънавият, маърифат йўналишларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилгани эса нур устига нур бўлди. Энди жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уни изчил амалга ошириш учун бор имкониятимизни сарфлаймиз.

ТОМЧИДАН ДАРЁ БЎЛУР...

Пўлат АБДУЛАЗИЗОВ,
Бўка тумани ҳокимининг ўринбосари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ нутқларида «Биз маънавий соҳани йўлга қўйиб олмагунимизча, иқтисодий ютуқларга эришиш қийин бўлади» деган таъкидларини эслайман. Масаланинг моҳиятини, аҳамиятини, ҳаммамизнинг буюк келажакни бунёд этишдан иборат муқаддас орзу-ниятлар олдидаги вазифаларимизни аниқроқ, бундан тўлароқ баён этиш мумкин эмас.

Одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтирмас эканмиз, миллий мафкурани шакллантирмас эканмиз, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияламас эканмиз, моддий ҳаётда юқори натижаларга эриша олмаймиз.

Йиғилиш давомида одамларни кузатиб турдим. Нотиқлар жойларда олиб борилаётган ишлар, янгича иш услублари, олдинда турган муаммолар, камчиликлар, ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапирдилар. Яхши-яхши таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шундан кўриниб турибдики, фаоллар Республика Президенти И. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармони эълон қилингач, мустақил Республика истиқлоли йўлида изланмоқдалар, ишламоқдалар.

Мен ҳоким ўринбосари сифатида ўтказилган тадбирнинг моҳиятини юқори баҳолайман. Демак, биз барча кучларни бирлаштирган ҳолда ҳаракатни давом эттиришимиз керак. Халқимизда томчидан дарё пайдо бўлур деган мақол бор.

Йиғилиш давомидаёқ баъзи режаларни ўйлаб қўйдим. Туманда барча хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ёрдамида ҳар бир маданий ва маърифий муассаса тарбия ўчоғига айланмоғи даркор.

Ўзбек халқи маънавий-маданий қадриятларининг илдизлари ғоят азалий ва теран. Кейинги йилларда бу хусусда кўп гапирилмоқда. Рўй-рост ва дадил айтиш керакки, эндиликда гапдан амалий ишларга — аждодларимизнинг ибратли ва абадий мерослари, аъналари, тамойилларига муносиб бўлиш, мана шу бебаҳо қадриятларни замон руҳига мос равишда ривожлантириб, янги авлоднинг бахтли келажаги, муносиб турмушини яратишга хизмат қилдириш вақти келди.

Тўғри, бу ўринда биз бир қатор муаммоларга дуч келмоқдамиз. Аввало, бозор муносабатларига ўтиш даврининг муайян иқтисодий ва молиявий қийинчиликлари таъсири сезиларли. Лекин биз ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодирмиз, деб ўйлайман. Ахир Президентнинг ўзлари «...маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси Республика Президенти бўлади...» деб айтган эканлар, бу бизга ҳам куч, ҳам қанот бўлади.



КЎПЛАШИБ ҚИЛИНГАН ИШ САМАРАСИ

Жамила ТЎЛАГАНОВА,
Янгийўл шаҳар маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг мудири

МЕН маънавият ва маърифат ишларини ривожлантиришни шу куннинг талаблари даражасига кўтариш юзасидан ўтказилган вилоят фаоллари йиғилишидан катта таассуротлар олдим. Бизнинг шаҳар жамоатчилик марказимиз бу борада кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Лекин, бу ишни, яъни маънавият ва маърифат ишини барча ташкилотлар уюшган ҳолда биргаликда олиб бормасалар, кўзланган даражага олиб чиқиш қийин. Мазкур йиғилишда сўзга чиққанларнинг нутқида кучларни бирлаштириш, барча жабҳаларда келишилган ҳолда тезкорлик ва сермазмун иш олиб бориш ғояси асосий ўзакни ташкил этди.

Буни ҳаёт исбот этиб турибди. Биз туман маданият бўлими, халқ маорифи бўлими билан ҳамкорликда режалар тузиб, амалга ошираяпмиз. Кўплашиб қилинган ишда мазмун ҳам, самара ҳам бўлади.

Маданият бўлими билан кутубхоналар ишини яхшилаш, китоблар жамғармасини кўпайтириш юзасидан анча эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилди. Халқ маорифи бўлими билан мактаблар, болалар боғчаларида суҳбатлар ташкил этдик. Уларга олимлар, тажрибали ўқитувчилар, машҳур кишиларни таклиф этдик. Бу тарбия ишида яхши натижалар бермоқда.

«Камолот» жамғармаси билан ҳамкорлик шартномасини тузганмиз. Яқинда ана шу шартнома асосида қизлар ўртасида кўрик-танлов ўтказамиз. Инсоний қадриятлар, одобахлоқ, меҳнатсеварлик, билимдонлик унинг асосий ғоясидир. Тузилган тадбирлар кўп, бундан буёнги вазифа уларни изчил амалга ошириб боришдир.

МАЪРИФАТ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАНАДИ

Абдулла ОТАЖОНОВ:
Қуйичирчиқ тумани агрофирмаси бош директори

БИЗНИНГ туманимиз байналмилал туман. Хусусан, агрофирмамизда ҳам қатор миллат вакиллари аҳил-иноқ меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир республикамизда маданият, маънавият ва маърифат ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масала хусусида Президентимизнинг чиқарган фармонлари фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Бундай вазифаларни бажариш борасида хўжалигимизда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, биз нафақат, ишлаб чиқариш жараёнига, балки халқимизнинг унумли меҳнатидан сўнг маданий хордиқ чиқарадиган масканларга ҳам эътиборни кучайтирмоқдамиз. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, хўжаликда имкони борича аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Савдо, маиший хизмат тармоқлари ва бошқа ишлаб турган объектлар шулар жумласидандир.

Хўжалигимизда битта касаба уюшмаларига қарашли маданият уйи бор. Ушбу маданият ўчоғининг узлуксиз ишлаб туриши ҳам бизга анча маънавий кўмак бермоқда. Биз ўтказган тадбирларни ана шу маданият ўчоғи орқали амалга оширамиз. Сабаб, кўпчилик ёшларимиз ўрта мактабни битиргандан сўнг, қишлоқ жойларда маданият масканлари йўқлиги туфайли шаҳарларга кетиб қолишади. Бу эса хўжалик учун зарардир. Чунки, биринчидан биз ишчи кучини йўқотамиз, иккинчидан кадрлар шусиз ҳам етишмайди. Шунинг учун ҳам хўжалик бугунги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, ушбу маданият ўчоғини сақлаб қолиш чораларини кўрмоқда.

Айни пайтда бу масканимизда кутубхона, «Юлдузлар» рақс халқ дастаси, «Астория» дискоклуби, суратхона ва бошқа тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Ўз навбатида хўжалик бу тўгараклар ишига ҳомийлик қилмоқда.

Хўжалигимизда спорт ишларига ҳам етарли даражада эътибор берилмоқда. Шу йилдан бошлаб ёшлар ўртасидаги футбол, волейбол, баскетбол, шохмот-шашка сингари спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар агрофирма томонидан пул билан рағбатлантирилмоқда. Айни пайтда спорт билан шуғулланувчилар сони кўпайиб боряпти.

Табиийки, маънавияти қашшоқ халқнинг келажагига умид боғламаса ҳам бўлади. Гарчи, республикамизда бу ишларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган экан, биз маданият уйларини қайта тиклаб, ишини ривожлантиришимиз керак. Баъзи жойларда бу ишларга бироз эътибор сусайди. Маданият уйлари турли хил цехлар учун ижарага бериб юборилаяпти. Кўп жойларда эса ташландиқ ҳолига келтирилмоқда. Бундай эътиборсизлик бизга жуда қимматга тушиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олишимиз керак.

XII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан

«Олтин семурғ» ва бошқалар

● *Таниқли ҳинд кино юлдузи Наргис Тошкент халқаро кинофестивалларида қатнашган эди.*

Семурғ — Шарқ шоирлари тилида тараннум этилган бахт ва саодат тимсоли бўлган афсонавий қушдир. У яна Тошкент халқаро кинофестивалини безайдиган бўлди. «Олтин Семурғ» бу йилги киноанжуманнинг бош соврини ҳисобланади.

– Бу йилги фестивалга мўлжаллаб бешта соврин тайёрланди, – дейди «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси раисининг ўринбосари Исамат Эргашев, – «Олтин лола» баҳор ва аёл гўзаллигининг тимсоли бўлиб, аёл ролининг энг яхши ижрочисига берилади. «Олтин арча» –ҳамиша яшилга бурканган дарахт шохчаси – эркак ролининг энг яхши ижрочисини кутмоқда.

Мукофотлар орасида – киносанъатида миллий анъаналарни сақлаб қолганлик ва уни юксалтириш учун ҳам таъсис этилган соврин бор. Афсонавий қуш тимсоли бўлган «Кумуш Семурғ» – энг яхши режиссёрлик дебюти учун берилади.

XII-ТХКФга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам ўз мукофотларини тайёрлаб қўйишди.

Бухоронинг 2500 йиллиги тантаналарини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмита ҳам Тошкент киноанжуманида намойиш этиладиган фильмлардан бирига ўзининг мукофотини тақдим этиш ниятида. Халқаро алоқалар миллий уюшмаси ҳам халқлар дўстлигини тараннум этадиган фильмлардан бирини ўз совғалари билан тақдирлайди. Совринлар орасида «Наврўз» ҳамда ёшларнинг «Камолот» жамғармалари таъсис этган мукофотлар ҳам бор. Марказий Осиё халқлари маданият арбобларининг уюшмаси эса жюри аъзоларидан энг яхшисини мукофотлаш ниятида.

БУГУН ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНАДИ

Анъанавий «Ҳавас» турнири теннис шайдоларининг байрамига айланиб кетди

МУСОБАҚА бошланиши арафасида Тошкентдаги «Динамо» ўйингоҳида бўлиб, у ердаги тайёргарлик ишлари билан қизиқдик. Спорт мажмуи раҳбари ва мусобақалар бош ҳаками Генрих Александрович Дашевский кайфияти кўтаринки эканлиги сезилиб турарди.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда йирик ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, вазирлар иккинчи босқичга чиқиш учун ҳаракат қилишди. Ўйингоҳнинг 14 та кортида шиддатли жанглар давом этди.

Бугун 15 та гуруҳнинг ғолиби ҳамда вилоят ҳокимлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари қўшилиб, саккиз гуруҳда ўзаро куч синашадилар. Кечқурунга бориб ана шу гуруҳлар ғолиблари аниқланади ва улар эртага якунловчи чорак, ярим ва финал баҳсларини ўтказишади.

Спорт билан шуғулланган ёшу кекса, энг аввало, соғ-саломат бўлади. Инсон учун эса саломатликдан кўра юксакроқ неъмат йўқдир. Хусусан, «Ҳавас» тенниси ихлосмандларининг ўйинларига боқиб туриб, ана шундай хулосага келдик. Бу ерда ёшлар ҳам, ўрта ёшдагилар ёхуд ёши улуғлар ҳам «ютаман» дея яхши ният билан майдонга тушмоқда. Бизнинг орзуимиз эса қатнашчилар мусобақадан қайтгач, ўз шаҳар ва туманларида спортга эътиборлари ортса, янги-янги спорт иншоотлари қурилса, айниқса, келажагимиз бўлган ёшлар соғлом камол топса, айни муддао бўларди.

«Динамо» спорт мажмуига келаётган томошабинлар учун яратиб берилаётган шароитнинг ҳам эътиборга лойиқлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Мухлислар бу ерда ўзларига зарур барча нарсаларни харид қилишлари мумкин. Шунингдек, мусобақа қатнашчиларининг ўзаро учрашувлари ҳақидаги маълумотномадан зудлик билан хабардор бўлишлари учун матбуот маркази ходимлари ҳам тезкорлик билан иш тутмоқда.

* * *

Кеча «Ҳавас» анъанавий турнирининг очилиш тантанаси бўлди. Қатнашчиларни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, халқаро теннис мусобақаларининг машҳур ташкилотчиси Сасоои Какшури, исроиллик халқаро ҳакам Ян Фруменлар самимий қутлашди. Ян Фрумен ўз сўзида «бир йилдаёқ юртингизда теннис спортининг равнақи мени ҳайратга солди», деди.

Меҳмон айтганидек, республикамизда теннис ихлосмандлари ва ушбу спорт тури мусобақаларини ўтказадиган иншоотлар кўпаяётганлиги қувонарлидир. Жумладан, вилоятимизнинг Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманларида янги кортлар барпо этилди. Ўйингоҳда Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқовни суҳбатга тортдик. У вилоят вакилларини қўллаб-қувватлагани келганлигини айтиб, айни вақтда туманда яна учта янги теннис корти қуриш ниятида эканлигини маълум қилди.

Кеча бўлиб ўтган гуруҳлардаги учрашувларда вакилларимиз Ю. Беланов, А. Расулов ва А. Йўлчиевлар учтадан ўйин ўтказишди. Ҳар бир гуруҳда тўрттадан қатнашчи бўлиб, ягона ғолиб навбатдаги босқичга йўлланма олади.

Бугун Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев, Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Ғаффоров 8—9-гуруҳ ғолиблари билан биргалашиб якунловчи босқичга чиқиш учун кураш олиб боришади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

СОХТА ТАДБИРКОРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Одамларни лақиллатиб, миллионларни ҳамёнига урган «уддабурон» фош этилди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳукм қилинган Ходимжон Каримовнинг кассацион шикоятини кўриб чиқиб, Тошкент вилоят судининг ҳукмини ўз кучида қолдиришга қарор қилди.

Суд ҳукмидан сўнг

Янгиобод шаҳрилик айбланувчи Х. Каримовга бир йўла Республика Жиноят Кодексининг тўртта —167, 204, 205 ва 179-моддалари қўлланиладиган бўлди. Улардан биринчиси ўз қўл остидаги унга ишониб топширилган ўзгалар мулкини ўғирлаш орқали ўзлаштириб олиш ёки талон-тарож қилингани учун кўриладиган жазо чорасидир. Мазкур ҳолда гап катта миқдордаги ўзлаштириш хусусида кетмоқда. Бошқа моддалар эса лавозимни суиистеъмол қилиш, мансабдан фойдаланиш ёки сохта тадбиркорлик кабиларга тааллуқли.

Суд жараёнига раислик қилган тажрибали ҳуқуқшунос, вилоят суди раисининг муовини А. Эшмаҳаматов Х. Каримовнинг жиноий ишларини шарҳлар экан, шундай деди:

— Кўп йиллик суд амалиёти давомида қанчадан қанча ишларни кўрган, аммо, бир зумда бойиб кетиш, жарақ-жарақ пулларга кўмилиб юришни хаёл қилиб, сурбетларча ҳаракатлар қилган бундай «қобилиятли» янгича олчоқ «бизнесмен»ни сира учратмаган эканман. У ўзининг жирканч мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаган, шу билан бирга, у танлаган алдов йўли ва усуллари шунчалик жўнки, қарийб икки йилдан ошиқ вақт давомида қандай қилиб у учта қўшни шаҳарлар — Янгиобод, Ангрен ва оҳангаронликларни лақиллатиб, тузоғига илинтирганига ақл бовар қилмайди. Х. Каримов ўзининг жиноий «иқтидори» билан, ҳатто, банк муассасаларини ҳам чув туширгани ғалати.

Хўш, ҳаммаси нимадан бошланган? Олий иқтисодий маълумотга эга бўлган Х. Каримов асли Андижон вилоятидан. Ўзи туғилиб ўсган юртида ўғирлик қилгани учун у Андижон вилоят суди ҳукми билан бир марта 5 йил муддатга қамалиб чиққан. Муддатни ўша вилоятнинг ўзида ўтаб бўлгач, «Акмал» хусусий фирмасида иш юритувчи бўлиб ишлай бошлаган. Қинғир ишнинг белидан тутган бу одам, бу ерда ўз хизматдошлари имзосини қалбакилаштириб, уларнинг 24 минг сўмлик иш ҳақини жиғилдонига уриб юборган. Аммо, қандайдир «мўъжиза» билан жавобгарликдан қутулиб қолган. Шундай қилиб, жиноятга мойиллиги бор бу шахс ўзининг амалий «тажрибаси»ни ошириб, мукаммалаштириб борди... Кўп ўтмай, Х. Каримов гуноҳларга ботган муқим жойидан Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳрида пайдо бўлади. Бу ерда у квартира харид қилади ва рўйхатдан ўтиб олади. Янги жойдаги меҳнат фаолияти давомида қинғир ишларида маълум вақт танаффус бўлади.Ҳар қалай янги жой, шароитга мослашиш, у-бу «режаларни» кўзлаш, дегандек. Бозор иқтисодиёти шароитлари айрим жойларда ҳали тартибга солинмагани ва қонунга зид ҳоллар юз бериб турганини билиб турган бу «доно» ўзини келажакда еттинчи осмонда юргандек ҳис эта бошлайди.

Биринчи марта бош бухгалтер сифатида унинг номи Янгиободдаги «Зафар» кичик корхонасида юзага чиқади.

Бу ерда у кўп ишламади. Ҳатто, бирор бир жиноят қилгани аниқланмади ҳам. Ҳар қалай, шахсий ҳамёнига урадиган даромад ҳам, суиистеъмол қилиш имкониятлари чегараланган эди-да. Аслида у ниқобини ўзгартириб олганди.

«Қаҳрамон»имиз умидсизликка тушмади. У қулай фурсат келишига ишонарди. Янгиободда ташкил қилинган «Умида» хусусий корхонасининг директори бўлиб олган Х. Каримов орадан бир неча ой ўтгач, шаҳар ҳокимининг 558-рақамли қарорига мувофиқ худди ана шу Янгиобод шаҳрининг ўзида «Алишер—77» фирмасини очади. Ана шундан сўнг унинг биринкетин сохта тадбиркорлик фаолияти гуллай бошлайди. Тадбиркорбанкнинг Ангрен бўлимида ҳисоб рақами очган бу фирмачи уч ой ичида тўлалигича қайтариш шарти билан 2 миллион сўм кредит олади. Кредитга олинган пулларнинг ҳаммаси унинг имзоси билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган турли корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади. Пуллар эвазига олинган озиқ-овқат маҳсулотларини баланд нархларда сотиб, даромад қилишни кўзлаган Х. Каримовнинг «уддабуронлиги» иш берди. Сотувдан тушган пул 2 миллион 73 минг сўмни ташкил этди. Аммо у кредит муддати тугаган бўлса-да, пулларни банкка қайтаришда шошилмас эди. Аксинча, у ўша пуллар ҳисобидан 1 миллион 461 минг сўмлик озиқ-овқатларнинг янги туркумини сотиб олиш ҳақида кўрсатма беради. Ўша пулдан 117 минг сўми маош сифатида тўланди, 35 минг сўми эса турли пулли хизматларга сарфланган. Директор ўзининг шахсий машинасида юрса ҳам 140 минг сўм пул транспорт харажатларига кетган, деб кўрсатган. Қолган 1 миллион 824 минг сўмни сохта тадбиркор жиғилдонига урган. Бунинг учун турли шахслар номига харажатларни ёзиб, сохта касса ордерларини расмийлаштирган. Бу кишилар терговда ҳам, суд жараёнида ҳам имзолар ўзларинiки эмаслигини айтишди. Аммо, ҳар қанча ғалати туюлмасин суд қоғози билан чақирилган жабрланган банк вакили гувоҳ сифатида ва фуқаролик даъвоси бўйича судга келмади. 2 миллион сўм ва ссуда туфайли тўпланиб қолган унинг катта миқдордаги фоизли қарзи гўё кредиторга мутлақо даҳли йўқдек. Суд, албатта, давлат манфаатларини кўзлаб иш кўрди ва ўз ҳукмида айбдордан барча қарзларни ундириш ҳақида ажрим чиқарди. Бошқа жабр кўрган ва алданган даъвогарлар судга келиб, ўз даъволарини билдирдилар. Кўплар бундайин йирик камомад туфайли фирибгар — бизнесмен маълум вақт кўздан ғойиб бўлиб юрса керак, деб ўйлашади. Э, йўқ, у савдодан тушаётган пулларга сохта касса ордерларини расмийлаштириб, уларни касса дафтаридан ўчиртирган ёки катта миқдордаги молларни кирим қилмасдан, қисқа муддат ичида яна... 2,5 миллион сўмни ҳамёнига уради. Бу ҳам унга оз эди. Кўп ўтмай у Оҳангаронда яна бир «Алишер—77» хусусий фирмасини очади. Шу ердаги «Саноат қурилиш банки» бўлими ишончини қозониб, 3 миллион сўмлик қарз олади. Банкка эса бор-йўғи ярмини қайтарган холос. Кўнгилчан бошлиқларни лақиллатиш давом этаверди. Очкўз қаллобнинг тўрига «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ҳам илинишди. Оҳангарондаги «Алишер—77», Янгиободдаги «Умида» фирмалари раҳбари сифатида ва улар номидан иш кўрган маккор Х. Каримов ҳиссадорлик жамияти билан катта миқдорда ун сотиб олиш учун шартнома тузади. Икки ой мобайнида «Умида» манзилига 1 миллион 50 минг сўмлик ун келиб тушади ва «Универсам» дўкони орқали сотилади. Сотувдан тушган 505 минг сўмни қаллоб жиғилдонига уриб юборади. «Алишер—77» га савдодан тушган миллион сўмга яқин пулни ҳам гумдон қилади. «Бошолмосолтин» фирмасининг Ангрендаги шахобчаси орқали шерикликда ўтказилган «қувур» операцияси жараёнида ҳам Х. Каримов йирик миқдорда «пулли» бўлди. Фирма раҳбарияти билан шартномага мувофиқ у катта миқдорда 3 миллион сўмликдан ортиқ суммага қувурлар етказиб беришни ваъда қилган. Аммо, ҳеч қандай қувурлар ололмаган. Улар фақат банк ёрдамида сохта «Алишер—77» фирмасидан ўтказилган пулнинг ярмигина олишга муваффақ бўлишди.

Суд залида тўпланганлар тафтишчи У. Акромовнинг кўрсатмаларини эътибор билан тинглашди. У бир гуруҳ малакали мутахассислар билан Х. Каримов бошқарган фирмаларнинг барча ҳужжатларини текшириш натижаларини ва уларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиб берди. Қаллоб ҳаммаси бўлиб 8 миллион сўмни ўзлаштириб юборган. Тафтишчиларнинг маълумотига кўра банклар, «Оҳангарондон» ва бошқаларга етказилган моддий зарар ана шунча миқдордаги пулни ташкил этган.

Албатта, шу ўринда қандай қилиб бу ҳол юз берди, деган савол туғилиши табиий. Тўғриси, бир қарашда бунга ишонгинг ҳам келмайди, ҳар ерда қонун ҳимоячилари бўлса, банк ва барча муассасаларни мунтазам назорат қилиб, текшириб турувчи органлар турса-ю, уларнинг кўз ўнгида бир қаллоб ҳаммани чув туширib юрса. Банкларни айтмайсизми, ахир қанчадан-қанча зарар кўришди.

Х. Каримовнинг фирибгарлиги у хибсга олинган 1996 йилнинг ноябрь ойларидагина охирига етди. Вилоят суди Х. Каримовни мунтазам равишда йирик миқдорда талон-тарожлик қилгани, ҳужжатларни сохталаштириш ва суиистеъмолликлар, сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб келгани учун қаттиқ режимдаги қамоқда сақлаш шарти билан Ўзбекистон Республикаси Жиноятлар Кодексининг 4 та моддаси билан 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш, унинг шахсий мол-мулкини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

И. АҲМЕТОВ, ҳуқуқшунос.

Мамажон Муҳиддиновнинг 70 йиллиги

ШОХМОТ БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Юбилей тантанасига келганлар республика шохмот клубига сиғмай қолди. Шу куни биринчи ўзбек шохмот устаси шаънига айтилган дил сўзларининг, спорт ва ижодий-илмий фаолиятининг 50 йиллиги тўғрисидаги унутилмас хотираларнинг адоғи йўқдек эди.

КЕЧАНИ олиб борувчи адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновдан кекса спорт муҳлиси, «Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси Жўра Хоназаров сўз сўради.

— Юбилярга, ўзбек шохмотчиларига қибрайликлардан бир совға қилиш ниятим бор, — деди нотиқ гапнинг индаллосига кўчиб. — Туманимизда битта янги шохмот клуби қуриб, фойдаланишга топширилади. Ёшларимиз учун шохмот мактаби ҳам ташкил қиламиз.

Тантана давомида унутилмас воқеа юз берди. Ўзбек шохмотининг отахони ёш истеъдодли ўйинчи С. Йўлдошевни ҳайъат олдига таклиф этди.

— Кел, Сайдали ўғлим, халқаро шохмот федерацияси номидан гроссмейстерлик гувоҳномаси ва кўкрак нишонини топшираман, — деди у.

Яқинда халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган чирчиқлик Сайдали Йўлдошев устоз қўлидан эстафетани олгандек бўлди.

— Сизнинг китобларингизни ўқиб шохмотни ўргандим, ҳозир ҳам ёзганларингиз мен учун энг қимматли қўлланмадир, — деди минатдор шогирд.

Мамажон Муҳиддиновни Ўзбекистон физкультура ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов, ёзувчи, журналист ҳамкасблари, дўстлари самимий табрикладилар.

Шу куни машҳур шохмот усталари кўп тахтада бир йўла сеанслар ўтказдилар.

Соат МУСАЕВ.

Об-ҳаво

АВВАЛИГА ЁҒИБ, СЎНГРА ОЧИЛИБ КЕТАДИ

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 7-11 май оралиғида аввалига Тошкент вилоятининг айрим туман ва шаҳарларида ёмғир ёғиб ўтади. Сўнгра ҳаво очилиб кетади. Кечалари ҳарорат 8-13 даража, кундуз кунлари 13-18, кейинчалик ҳарорат аста-секин кўтарилиб, 22-27 даража атрофида бўлади.

«АҚЛЛИ ДАСТЁР»

«Академускуна» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари автомобилларни пуллик қўйиш бекатларига мўлжалланган қурилма яратди. У тўхташ жойига келган ҳар бир автомобилни қайд этади, машинасини олиб чиқиб кетаётган ҳайдовчига қанча вақт тургани ва қанча ҳақ тўлаши лозимлигини «айтади».

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу қурилмани тажриба тариқасида Олой бозори ёнидаги бекатга ўрнатган эди. Натижа ёмон бўлмади. Тушум аввалгидан бир неча баравар ортди.

Айни пайтда шаҳар маъмурияти янги қурилмадан яна бирини Қўйлиқ бозори ёнидаги бекатга ўрнатди. Келгусида барча бекатларни ана шундай қурилма билан жиҳозлаш мўлжалланмоқда.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Зангиота тумани ҳокимлиги билан биргаликда КИМ ОШДИ савдосини ўтказади. КИМ ОШДИ савдосига қуйидаги ҳудудлардан ер майдонлари қўйилган.

ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИ:

Ер майдони жойлашган ҳудуд	ер майдонлари сони	Ҳар бир ер майдони ўлчами (м.кв)	Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси (сўм)
1. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги: 1—20 сонли ер майдонлари	20	400,0	96000,0
2. «Мустақиллик» жамоа хўжалиги, 1-50 сонли ер майдонлари	50	400,0	102400,0
ЖАМИ:	**70**	**28000,0**	**7040000,0**

Ким ошди савдоси Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 1997 йил 17 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!

Чимёнда йўқолган уяли телефонни топган кишидан 55-55-53, 54-95-36, 59-68-70 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишини сўраймиз. У кишини мукофот кутмоқда.

«Оқтепа майдони» жамоа мулкчилигига асосланган корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Бортли «Урал-4320» автомашинаси (дизель, 1989 йил)
СОТИЛАДИ
ёки квартирага, ё бўлмаса «Жигули» автомашинасига
АЛМАШАМАН
Тел: 78-52-33.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Джемини» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 9 май — жума куни чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-Тижорат Халқ банки Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси Қибрай туман Халқ банки бошқарувчиси **Нурмат ЭРМАТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 20.00.